

БУХОРО МУЗЕЙИДАГИ ЭРОН ТАНГАЛАРИ

Жўраев Шерали Гулом ўғли
Самарқанд Археология институти
Бухоро филиали кичик илмий ходими,
Халикова Наргиза Эркиновна
БухДу Археология ва Бухоро тарихи
кафедраси ўқитувчиси
Sherali_Gulyamovich@mail.ru
+99893 456-54-40

Аннотация: Ушбу мақола Бухоро музейида сақланаётган Эронда зарб қилинган тангалар коллекцияси ҳақида маълумот беради. Мақолада мазкур экспонатларнинг музейга келиш тарихи ҳамда нумизматик материалларнинг тавсифи ёритиб берилди

Калит сўзлар: Бухоро музейи, Нумизматика, экспонат, танга, фонд

Нумизматика тарихни ўрганишда ёрдамчи фан тармоғи бўлиб, ҳукмдорлар томонидан зарб қилинган тангалар орқали ўтмишнинг маълум бир даври ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу ўринда Бухоро музейида сақланаётган 40 мингдан ортиқ ашёдан ташкил топган Нумизматика коллекцияси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур коллекция умумий музей экспонатлари миқдорининг 30%идан ортиғини ташкил қилади. Улар асосан археологик қазилмалар вақтида топилган ва илмий йиғув натижасида музейга совға қилинган артефактлардан иборатдир. Мазкур коллекция таркибига нафақат Ўрта Осиёда зарб қилинган, балки ундан ташқарида муомалага чиқарилган бошқа давлатлар ва сулолаларнинг тангаларини киритиш мумкин. Шундай тангалар сирасига Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Туркияда турли даврларда зарб қилинган тангаларни мисол тариқасида айтиш мумкин.

Нумизматик материалларини ҳисобга олиш музей ташкил этилгандан кейин бошланган ва бош инвентарь китоб ёки Кириш китобига киритилган. Бундай китоблар сони 50 дан ортиқ бўлиб, №4 китобдан уларни мунтазам

ёзиб бориш имконияти пайдо бўлди.¹ Шундай тангаларга мисол тариқасида Эронда бир қанча сулолалар даврида зарб қилинган тангаларни мисол келтириш мумкин.

Эрон заминида зарб қилинган ва музейнинг экспонати мақомини олган дастлабки буюмлар – Каджарлар сулоласи даврида 1913-1926 йилларда Султон Аҳмад-шоҳ даврида зарб қилинган тангалардир. AV қисмида ҳукмдорнинг бюсти тасвири келтирилган бўлиб, унинг юқори қисмида подшоҳнинг номи, сулола номи араб имлосида ёзилган. Ҳукмдор тасвирининг пастида эса гулчамбар тасвири берилган. RV қисмида – марказида шер тасвири мавжуд. Шернинг бош қисми тўғрига қараган, олдинги ўнг оёғи бир оз кўтарилган ва қилич ушлаган ҳолатда тасвирланган. Унинг орқа фонидида қуёш (ичида юз тасвири билан) сурати бор. Танганинг атрофи гулчамбар билан қопланган. Юқори қисмида тож тасвири мавжуд. Шер тасвири пастида араб имлосида форс тилида номинал кўрсатилган: 2 000 дино́р. Танга материали кумуш, диаметри – 27-28 мм.



Султон Аҳмадшоҳ даврида зарб қилинган яна бир қанча тангалар мавжуд бўлиб, улар 500 дино́р номиналга эга. 1332 (1914) йилда зарб қилинган тангалар ҳам худди ўзидан олдинги давр тангаларига ўхшаб кетади.

¹ КП музея-заповедника №4

Фақат ўлчами ва зарб қилинган йили ва тасвирлардаги унча катта бўлмаган фарқлар билан ажралиб туради.

Худди шундай тангалар Эронда 1895-1903 йилларда зарб қилинган бўлиб, Каджарлар сулоласи вакили шох Музаффариддин даврига оиддир. Мазкур тангалар мунтазам равишда муомалаг чиқарилган. Тангаларнинг умумий оғирлиги – 9 гр., Диаметри – 28-29 мм. Танганинг ўзига хос томони шундаки, унда ҳукмдор тасвири мавжуд эмас. AV қисмида – ҳукмдор Шох Музаффариддин ва сулола номи, шунингдек, зарбхона – Техрон ёзуви учрайди. Танганинг ён атрофи гулчамбар билан ўралган. Ёзувнинг ўрта қисми бироз ўчган. RV қисмида бундан олдинги тангага ўхшаш тасвирлар берилган ва айрим фарқлар бор: Қуёш ичидаги одам ва шернинг тасвири деярли кўринмайди. Шернинг панжалари орасида танганинг зарб қилинган йили кўрсатилган: 1320 (1902 йил). Чизикдан пастда эса зарбхона номи – Техрон ёзуви мавжуд.



Яна бир танга – Шох Муҳаммад Ризо даврида зарб қилинган қумуш тангадир. Оғирлиги -23 гр. Диаметри – 36 мм. AV қисмида ҳукмдор бюсти тасвирланган. Подшоҳ чапга томон қараб турган ҳолда, бошида бош кийим, эгнида ҳарбий кийим кийган. Юқори қисмида ҳукмдор номи кўрсатилган

бўлса, унинг пастки қисми гулчамбар билан ўралган. Хукмдор тасвирининг ён томонида йил ва зарбхона номи келтирилган.



Шунингдек, музей-қўриқхона Нумизматика коллекциясида бошқа давлатларнинг ҳам бир неча ўнлаб тангалари сақланади. Эрон худудида зарб қилинган тангалар музейга XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб қабул қилинган. Афсуски уларнинг ҳаммасида уларни музейга келиб қолиш тарихи ҳақида батафсил маълумот берилмаган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухоро музейидаги Эрон хукмдорларининг тангалари орқали қўшимча маълумотлар олиш имкони пайдо бўлади. Шунингдек, улардаги турли хил эпиграфик ёзувлар, нақшларни бир-бирига солиштириш асосида танга зарб қилиш борасидаги ўзгаришлар, уларнинг ривожланиш босқичларини аниқласа бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архив Бухарского Музея. Книга Приказов за 1953.
2. Бухарский Областной Гос. Архив, Ф-1175 Оп. 5, Д-31, Л. 118
3. Джураев Ш., Кобилов Ш. Монетные клады, найденные в Бухарском оазисе. (На основе книги приёма бухарского музея). // “Бухоро тарихи

масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция. Бухоро, 26.06.2021., Б. 49-54.

4. Джураев Ш.Г. Из истории Бухарского музея. Формирование коллекции. К 100-летию Бухарского государственного музея-заповедника. // Музей, №10, 2022

5. КП музея-заповедника №4